



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шоқир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори, в.б.профессор,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Umurzok Alibekov, Alisher Abdumatov, Ismoiljon Rayimjonov XVIII-XIX ASRNING BIRINCHI YARIMIDA EKOMUHITDAGI O'ZGARISHLAR, SIYOSIY- IJTIMOIY ETNIK JARAYONLAR XUSUSIDA.....	5
2. Nodira Babadjanova MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINIY BAG'RIKENGLIK BARQARORLIK OMILI SIFATIDA.....	10
3. Дилмурод Бабожонов ХОРАЗМ ХОНЛИГИДА МАХФИЙ МАҲКАМА ФАОЛИЯТИ.....	16
4. Эргашали Эркаев ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ДАВРИДА ИРРИГАЦИЯНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ (1928-1932 йиллар).....	27
5. С.И.Габриэльян ПОЛИТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МУСТАФЫ КЕМАЛЯ АТАТЮРКА: ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЕ.....	32
6. Zebo Ismatullayeva O'ZBEKISTON VA GERMANIYA MUNOSABATLARIDA XALQ DIPLOMATIYASI O'RNI.....	43
7. Jaxongirbek Jonqobilov SURXONDARYO VILOYATIDA IKKINCHI JAHON URUSHIDAN KEYINGI YILLARDA PAXTACHILIK SANOATINI RIVOJLANTIRISH BORASIDAGI DAVLAT SIYOSATI.....	50
8. Akmal Mengliboyev SOVET HOKIMYATI DAVRIDA SURXONDARYODAGI IJTIMOIIY QATLAMLARNING O'RNATILISHI: QATAG'ON VA JAMOALASHTIRISH SIYOSATINING TA'SIRI.....	55
9. Vafa Quliyeva, Qanira Pirkuliyeva THE ARAN-KARABAKH CARPET SCHOOL (the Karabakh School of carpet weaving).....	62
10. Ботиржон Тожибоев ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ ҚАРШИЛИК ХАРАКАТЛАРИ.....	70
11. Хулкар Холикулова ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ: ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ.....	76
12. Бахтиёр Юлдашев, Гулсанам Тилавбаева “АНГРЕН – ПОП” ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ҚУРИЛИШИ ВА УНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ.....	81



Дилмурод Комилович Бабожонов,
Хоразм Маъмун академияси
“Ижтимоий-гуманитар фанлар” бўлими
Катта илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.(PhD)
УДК:069.1(575.171)

ХОРАЗМ ХОНЛИГИДА МАХФИЙ МАҲКАМА ФАОЛИЯТИ

For citation: Dilmurod K. Babojanov. THE ACTIVITIES OF THE SECRET COURT IN THE KHOREZM KHANATE. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 5, pp.16-26

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15587240>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф Хоразм хонлигида (XVI-XX аср боши) Махфий маҳкама фаолияти тарихини ёритиб ўзининг фикр мулоҳазаларини баён қилган. Бош вазир, меҳтар, кушбеги ва девонбеги хонликнинг ҳуқуқ-тартибот, давлат хавфсизлиги хизматларини ҳам идора этганлар. Бу хизматлар эса, ўзининг кенг тармоқларига эга бўлган. Уларга чегара, божхона ишларидан ташқари разведка ва контрразведка каби махфий хизматларни ҳам киритиш мумкин. Академик М. Йўлдошев ҳамда Ҳ. Вамбери, Ризоқулихон Ҳидоят каби сайёҳ ва элчилар келтирган маълумотлардан кўрганимиздек, бу махфий хизматлар Хива хонлигида яхши йўлга қўйилган. Хоразм хонлари архивида сақланаётган бир неча хатлар бу масалага ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Марказий Осиё, Қадимги Хоразм, Абулғозийхон, Вазир, Шермуҳаммад Мунис, Меҳтар, Шиғовул, Бухрийлар, Маҳрамлар маҳкамаси бўлими, Божхона маҳкамаси, Хазинадор.

Дилмурод Камилович Бабаджанов,
доктор философии исторических наук(PhD),
старший научный сотрудник Хорезмской академии Мамуна

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАЙНОГО ДВОРА В ХОРЕЗМСКОМ ХАНСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье автор изложил историю деятельности Тайного двора во времена Хорезмского ханства (XVI- начала XX века) и высказал свое мнение. Премьер-министр Меҳтар, Кушбеги и Деванбеги также руководили службами правопорядка и государственной безопасности ханства. Эти службы имеют собственную широкую сеть. Помимо пограничных и таможенных операций, они также могут включать в себя секретные службы, такие как разведка и контрразведка. Академик М. Юлдошев и как мы видим из информации, предоставленной путешественниками и послами, такими как Х. Вамбери, Ризакули-хан

Хидаят, эти секретные службы были хорошо развиты в Хорезмском ханстве. Прояснением этого вопроса служат несколько писем, хранящихся в архиве Хорезмских ханов.

Ключевые слова: Средняя Азия, Древний Хорезм, Абулгази-хан, Министр, Шермухаммад Мунис, Мехтар, Шиговул, Бухрис, Управление Махрамского суда, Таможенный суд, Казначей.

Dilmurod K. Babojanov,

Doctor of Philosophy of Historical Sciences(PhD),
Senior Scientific Associate of the Khorezm Academy of Mamun

THE ACTIVITIES OF THE SECRET COURT IN THE KHOREZM KHANATE

ABSTARCT

In the article, the author outlined the history of the activities of the Secret Court during the Khorezm Khanate (16th - early 20th century) and expressed his opinion. Prime Minister Mehtar, Kushbegi and Devanbegi also headed the law enforcement and state security services of the khanate. These services have their own extensive network. In addition to border and customs operations, they may also include secret services such as intelligence and counterintelligence. Academician M. Yuldoshev and as we see from the information provided by travelers and ambassadors such as H. Vamberi, Rizakuli Khan Hidayat, these secret services were well developed in the Khorezm Khanate.

Several letters kept in the archives of the Khorezm khans serve to clarify this issue.

Index Terms: Central Asia, Ancient Khorezm, Abulgazi Khan, Minister, Shermukhammad Munis, Mehtar, Shigovul, Bukhris, Administration of the Makhram Court, Customs Court, Treasurer. Prime Minister Mehtar, Kushbegi and Devanbegi also headed the law enforcement and state security services of the khanate. These services have their own extensive network.

1. Долзарблиги:

XVI аср бошларида ташкил топиб XX аср бошигача мавжуд бўлган Хоразм хонлиги ўзининг бой тарихига эга. Хоразмликлар мамлакатларининг сарҳадларини аниқ белгиланган эмас, чунки, чор атрофи унумсиз чўллар билан ўраб олинганлиги учун унга талабгорлар деярлик йўқ, бу ерда чегаранинг охири деб, энг узоқда яшовчи кўчманчи қабилаларгина ҳисобланар эди. 1512 йилда Элбарсхон бошлаб берган ўзбек династияси бошчилик қилувчи мамлакатга: бир вақтлар юксак маданиятга эга бўлган қадимги деҳқончилик воҳасини ташкил этувчи Амударёнинг қуйи оқимидаги Хоразмнинг ўзи, унинг ғарби ва жануби-ғарбидаги Балхон тоғлари, Деҳистон (Машҳади-Мисриён) билан Узбой ёқаларини ўз ичига олувчи туманлардан иборат Манғишлоқдаги туркманларнинг манзиллари (қўчиб юрадиган ерлари) ва, ниҳоят, Копетдоғ ва Курендоғнинг шимолий қисми кирган. Шундай қилиб, географик жиҳатдан қараганда, Хоразм бир-биридан ниҳоятда катта қум саҳролари билан ажралган икки қисмдан иборат бўлган: Амударёдан суғориладиган вилоят, бу вилоят Сувбой (дарёлар ўлкаси) деб аталган, ҳозирги Туркменистондаги Копетдоғ этакларидан иборат ерлар Тоғбой (тоғлар ўлкаси) деб аталган[1].

Шу тариқа жанубда Қорақум чўллари орқали Эрон ва Хуросон, Хева дашти орқали Бухоро хонлиги, Орол денгизи ва Сирдарё орқали Қозоқ жузлари (Кичик жуз, Ўрта жуз, Катта жуз) билан чегарадош улкан ҳудуд эга бўлган Хоразм хонлиги вужудга келди. Хоразм тарихи уч даврга бўлиб ўрганилади:

1. Шайбонийлар даври 1512-1740 й.й.
2. Тўқа Темурийлар (Хон-хон ўйини) даври 1740-1804 й.й.
3. Қўнғирот сулоласи даври 1804-1920 й.й.

Хоразм хонлигини асосий пойтахтлари Урганч (Кўхна Урганч), Вазир, Хазарасп, Хива шаҳарлари бўлган. Сулоларлар алмашинуви, иқтисодий-сиёсий жараёнлар, ўзаро урушлар, чет давлатларни ҳужумлари ва таъси остида вақти вақти билан алмашиб турган. Марказий

бошқарув (ижроия) органлари тизими ва ваколатлари Хоразм хонлигининг ўзбек давлатчилиги тараққиётидаги ўрнини ўрганишда марказий бошқарув органлари тизими, уларнинг давлат тузумидаги аҳамияти ва тутган ўрни масаласи муҳим аҳамиятга эга. Турли муаллифлар, тадқиқотчилар томонидан Хоразм хонлигининг давлат тузумини ўрганиш борасида илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, марказий бошқарув органлари алоҳида ўрганилган эмас. Хусусан, академик М. Йўлдошев ва Қ. Муниров ҳамда бошқа олимларнинг илмий ишларида, шунингдек бирламчи манбалардаги маълумотларда ҳам Хоразм хонлиги марказий давлат бошқарув органлари ҳақида сўз юритилган. Лекин уларда эътибор асосан Хоразм хонлигининг умумий давлат тузумини ёритишга қаратилган. Жумладан, Исмоил Мирпанжий Хоразм хонлиги давлат тузуми ҳақида шундай маълумот беради: “Хон хизматидаги энг мўътабар шахсларга ўз иши билан машғул мироб, раис, девон ходими, қози калон, қози аскар ва маҳалла муллолари каби 32 амалдор бор” [2]. Хоразм хонлигидаги (XVI-XIX аср боши) Махфий маҳкама фаолияти тарихи тўла ёритилмаган. Бош вазир, меҳтар, қушбеги ва девонбегилар хонликнинг ҳуқуқ-тартибот, давлат хавфсизлиги хизматларини ҳам идора этганлар. Бу хизматлар эса, ўзининг кенг тармоқларига эга бўлган. Уларга чегара, божхона ишларидан ташқари разведка ва контрразведка каби махфий хизматларни ҳам киритиш мумкин.

2. Методлар:

Хоразм хонлигида (XVI-XIX аср боши) Махфий маҳкама фаолиятини ёритишда архив манбалари, статистик усуллар ва улардаги тарихий-қийосий методдан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

XV асрнинг охирида Дашти Қипчоқдаги ўзбек уруғларини харбий иттифоқи Сирдарё билан Амударё оралиғидаги (икки дарё оралиғи-Мовароуннаҳр) ерларга кўчиб кела бошладилар ва улар Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) бошчилигида Шайбонийлар давлатига асос солдилар. 1500-1501 йилларда Самарқанд ва Бухорони, 1505 йилда узоқ камалдан кейин Урганч, кейинчалик бутун Хоразм ва Хуросон ерларини эгаллаб олдилар. Шайбонийлар давлатининг марказидан сувсиз даштлар билан ажралган Хоразм воҳаси марказ билан фақат иқтисодий жиҳатдангина бироз боғланган бўлиб, у қадим замонлардан буён келаётган савдо йўллари орқали Волгабўйи ва Каспийбўйи вилоятлари билан савдо қиларди. Бухоро эса, Шарқий Европа бозорлари билан қиладиган алоқаларида Хоразм худудлари устидан ўтишга мажбурлиги сабабли, маълум даражада тўсқинликларга учраб эди.

Хоразмнинг атрофидаги кўчманчи туркман қабилалари жуда катта куч манбаи бўлиб, хоразмликлар улардан исталган пайтда фойдаланишлари мумкин эди. Бухороликларда бундай имконият бўлмагани сабабли, Хоразмнинг марказдан нисбатан илгари ажралиб чиққанлиги ва унда мустақил хонлик тузилганлигини тушуниб олиш имконини беради.

1510 йил 29 ноябрда Марв ёнидаги жангда Эрон шоҳи Исмоил Сафавий Шайбонийхонни енгди ва унинг ўзини ўлдирди[3]. Шайбонийхон ҳалокатидан сўнг ўзбек султон ва ноиблари Мовароуннаҳр ва Хоразмдан кетдилар. Бундан фойдаланган Эрон шоҳи Исмоил Хоразмга учта доруға (шаҳар бошлиғи) юборди, бирини Хивақ билан Ҳазораспга, бирини Урганч, яна бирини Вазирга. Лекин, эронийларнинг Хоразмдаги ҳукмронлиги узоқ чўзилмади. Чунки, Вазирга келган доруға Вазир аҳли мўътабарларини ўз динига ундаб, уларга “зар ва хилъат” (тилла ва қимматбаҳо саруполар) бера бошлади. Вазирнинг бир ақлли ва донишманд қозиси Умар қози бор эдики, доруғани бориб кўрмай, у йўқлатганда беморлигини баҳона қилиб, бир кечаси Вазир улуғларини пинҳона тўплаб деди, - “Муборак бўлсин янги дин, янги подшоҳ ва янги хилъатингиз. Ул жамоат шоҳ Исмоилнинг мубтадиъ (бидъатчи, динда янгилик яратувчиси) бўлиб, шиа мазҳабига ривож бермоқчи”. Вазирликлар шу кечаси маслаҳатлашиб, исломга содиқ эканликларига сўз бердилар ва ўзларига Элбарс ибн Берка султонни подшоҳ кўтаришга қарор қилдилар. Шундан кейин Вазирликлар эронийларни қатли ом (ёппасига ўлдириш) қилиб, Элбарсни келтириб ўзларига подшоҳ кўтардилар. Элбарсхон Хоразмнинг эски номини қайта тиклаб, Хоразмшоҳлар давлати деб атади ва давлат тожини кийди. Тарихчм Шермуҳаммад Мунис, “Фирдавс-ул-

икбол”асарида–“бу воқеа сана 911 да қўй йилида бўлган эди”,–деб ёзади. Я. Ғуломов ҳам “Элбарсхоннинг Хоразмга шоҳ қилиб тайинланишига Шайбонийхоннинг ўлиmidан кейин муваффақ бўлинди ва бу воқеа 1511 ёки 1512 йилда содир бўлган деб қаралиши лозим”-деган фикрни билдиради. Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини В.В. Бартольднинг асаридан ҳам топамиз, у “Хоразм хонлигига асос солиниши, 1511 йил охирига тўғри келади”[4] - деб ёзади.

Элбарсхон Вазирда куч тўплаб, Хива ва Ҳазораспдаги эронийларни ҳам ўлдириб, кейин Котни ҳам эгаллади. Шундан кейин барча Хоразм юртлари Элбарсхонга тааллуқли бўлди. Орадан бироз вақт ўтгач Элбарс Хуросон устига юриш қилди ва кўп ўлжалар билан қайтди. Хуросон тоғларининг шимолий сарҳадларини Майҳиндан Дурунгача тасарруфига киритди. Кейинчалик Балхон ва Манғишлоқ туркманларини ҳам ўзига бўйсундирди, бу жойларда ҳам унинг ҳокимияти ўрнатилди.

Хоразм хон бошқарувидаги феодал тузумга хос давлат бўлиб, давлат ҳокимиятининг ўзига хос тизими амал қилган. Илк даврлардан бошлаб, юз берган ўзгаришлар жараёнида янги лавозимлар жорий этилиб, баъзи мансабларнинг мавқеи ва ваколати доираси нисбатан ўзгариб борган бўлса-да, сиёсий тузумда жиддий ўзгаришлар рўй бермаган. Ўрта аср шарқ ва ғарб давлатчилигига хос хусусият шундаки, ҳарбий юриш ёки бошқарувда лавозимдан қатъи назар, барча амалдорлар сафарбар қилинган. Ҳар бир ижтимоий соҳада умумий бошқарувни амалга оширувчи марказий органлар сифатида мансабдор шахс лавозимлари ва улар қошида доимий фаолият кўрсатувчи маҳкамалар жорий этилган. Марказий бошқарув органлари бутун мамлакат миқёсида фаолият кўрсатган. Марказий мансабдор шахс ҳисобланган мутасадди раҳбарлар хон томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этилган. Одатда, уларнинг лавозимлари хон тасдиғи асосида мерос тариқасида ўтган. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири ўз соҳаси бўйича хон маслаҳатчиси ҳисобланган. Олий Кенгаш йиғилишларида ўз овозлари билан фаол қатнашган. Уларнинг ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдаги ваколатлари марказий бошқарув органлари сирасига киритишга яна бир асос бўлиб хизмат қилади. Ўз мавқеи ва ваколат доирасидан келиб чиқиб, тахтнинг ўнг ва чап томонига бўлинган ҳолда ўз ўринларида ўтирганлар.

Абулғозий ўзининг«Шажараи турк» асарида хонликнинг ташкил топган даврлари, яъни аждодлари даврида амал қилган ва кейинги даврларда ҳам тўлиқ сақланиб қолган бошқарув анъаналарини ёритар экан, марказий мансабдор шахсларнинг мавқеига кўра хон атрофида жойлашиши масаласи мўғул удумига асосланганлигини, юрак инсон танасининг чап қисмида жойлашганлиги боис сўл (чап) ўнгдан устун туришини ва бу рамзий маънога эгалигини баён этади[5].

Марказий мансабдор шахслар унвонли ва унвонсиз мансабдор шахсларга бўлинган. Улар хазинадан хон томонидан қатъий белгиланган маош билан таъминланганлар. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва фаолиятига ёрдамлашиш учун ўртача 10–15 та навқар бириктирилган. Қуйида марказий мансабдор шахслар лавозимлари ва ваколатлари хусусида алоҳида тартибда тўхталиб ўтамиз. Давлатда хондан кейинги мансабдор шахслар Вазири жумлат ул-мулук, қайси вазирлик вазифасини бажарганини аниқ кўрсатмайди меҳтар, кушбеги, девонбеги, шайх ул-ислом, бош мутаваллий, раис, аълам, мироббоши ҳам ўзи ҳисобланган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, марказий-ижроия бошқарувида кўчманчи аҳоли номидан иш кўрувчи, ўз халқи бошқаруви бўйича юқори мансабдор шахслар ҳам бевосита иштирок этган. Вазири жумлат ул-мулук, меҳтар, кушбеги ва девонбегилар бир вақтнинг ўзида хон маслаҳатчилари ҳам ҳисобланган. Мавқеига кўра тахтга нисбатан ўз ўрнига эга бўлиб, ўтирмасдан хон (тахт) ёнида тик ҳолда туришган.

Афсуски, XVI–XVIII аср ярмигача ҳукм сурган шайбоний, аштархоний ва то XX аср бошигача Бухорода тахт тепасида ўтирган манғитлар давлатидаги бош вазир ва соҳа вазирликлари номларини билган ҳолда, Хоразм хонлигида фаолият юритган юқори мансабдор шахслар лавозимининг XVI–XVIII асрлардаги аниқ номланиши, таъсис этилиш даври ҳақида бирламчи манбаларда маълумотлар учрамайди. Жумладан, Абулғозийхон ва бошқа муаллифлар хондан кейинги юқори мансабдор шахсни «**Вазир**» номи остида тилга

оладилар. Тарихчи Шермухаммад Мунис «**Меҳтар**» атамаси вазир номи ўрнида XIX аср бошидан қўлланганига ишора қилади. Баъзи хорижий манбаларда эса девонбеги лавозими XIX асрда таъсис этилган, деган фикр илгари сурилади. Тарихий асарлар ва ҳужжатлар асосида академик М. Йўлдошев меҳтарлик вазифасида турган шахсларни аниқлаган бўлса-да, улар қачон ва қайси вазирлик вазифасини бажарганини аниқ кўрсатмайди. Шундай бўлса-да, 1806–1872 йиллар оралиғида фаолият кўрсатган қушбеги ва девонбегиларнинг хронологик рўйхатини тиклаб, уларнинг ваколатлари, қўл остидаги хизматчилар борасида кўплаб маълумотлар келтиради. Тарихчи Қ. Муниров, К. Худойберганов, С. Сабурова, Ф. Эрназаров, О. Муталов, О. Масалиева, М. Қаюмов, М. Матёкубова каби тадқиқотчиларнинг асарлари ва илмий мақолаларида ҳам меҳтар, қушбеги, девонбегининг вазифалари кўрсатиб ўтилган[6].

Маълумотларнинг таҳлили асосида кўрсатиш мумкинки, Бош вазир (Вазири жумлат ул-мулук, Вазири акбар, Вазири бузрук) мансаби XIX аср боши ва ўрталарида меҳтар, кейин эса девонбеги, XX аср бошларида вазири аъзам деб аталган. Бу атамалар ёнига эски анъана бўйича «жумлатул мулк» ибораси ҳам қўшиб ишлатилган. Бу ҳолатни мансабдор шахсларнинг давлат бошқарувидаги тажрибаси асосида хон томонидан кенг ваколатлар берилганлиги ва юқори мавқега эга бўлганлиги билан баҳолаш ўринлидир. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, меҳтар, қушбеги ва девонбеги лавозимлари илгаридан мавжуд бўлса, **Вазири жумлат ул-мулук**, яъни бош вазир лавозими Саййид Муҳаммад Раҳимхон II томонидан (1882–1883 й.й.) жорий этилади. XX аср иккинчи ўн йиллигининг бошларида (1913 йил 9 август, Исломхўжа вафотидан сўнг) бу мансаб бўш қолади ва кейинги даврларда ҳеч ким тайинланмайди. Мазкур лавозим меҳтар ва қушбеги ваколатларининг қисқартирилиши ҳисобига жорий этилади. Бошқача айтганда, хонликнинг шимолий ва жанубий ҳудудлар бошқаруви бўйича юрт дафтарларини юритиш якка мансабдор шахс (Иброҳимхўжа) ваколатига ўтиши билан бевосита боғлиқ. Чунончи, бу даврга қадар мамлакатнинг жанубий ва шимолий қисми ўзаро бўлинган ҳолда меҳтар ва қушбеги томонидан бошқариб келинган бўлиб, улар умумий бошқарувни амалга ошириш ваколатидан фойдаланмаганлар. Натижада мавқеи юқори янги лавозим томонидан ҳукумат ишлари бошқаруви, яъни умумий ижроия бошқаруви амалга ошира бошланади. Айни шу даврдан меҳтар ва қушбегиларнинг ваколатлари анча қисқаради. Вазири жумлат ул-мулук бошқа мансабдор шахслардан фарқли равишда марказий ва маҳаллий мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш борасида хон маслаҳатчиси ҳисобланган. Хондан кейин мамлакатда умумий бошқарувни амалга оширган, хон тасдиғи билан умумий қарорлар қабул қилган. Жойларга йўриқномалар жўнатиш ҳукукига ҳам эга бўлган. Масалан, Вазири аъзам Исломхўжанинг ҳ. 1348 йил 29 муҳаррам (1915 й.)да Хоразм хонлигига қарашли Остона ноҳияси қозиси ва раисига юборган мурожаатида айрим йўл-йўриқлар кўрсатилган[A-1]. Унинг ваколатлари қуйидагилардан иборат бўлган: мамлакатни юксалтириш бўйича ислохотлар дастурини ишлаб чиқиш, амалдорларнинг ҳисоботини тинглаш, умумдавлат харажатларини тақсимлаш ва назорат қилиш, ташқи алоқа ишларини юритиш, Олий кенгашни чақириш ва ҳ.к.

Айрим манбаларда келтирилишича, XX аср бошида (1901 й.) амалдаги девонбегининг вафоти туфайли лавозими бўш қолиши ва унга ҳеч ким тайинланмаганлиги муносабати билан Вазири жумлат ул-мулукнинг зиммасига кўчманчи аҳоли ва хонлик ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, солиқларни йиғиш ва йиғим дафтарини юритиш вазифалари ҳам юклатилади. Бундан ташқари, хон сафарга кетган вақтларда ҳукумат ишларига масъул қилиб бириктирилган. Бош вазир Ислом хўжа Саййид Муҳаммад Раҳимхон (1863–1910 й.й.) вафотидан сўнг Саййид Асфандиёрхон (1910–1918 й.й.) тахтга ўтиргунга қадар давлатни бошқарган. Қушбеги мансаби, ваколат доираси жиҳатдан меҳтарга тенглаштирилган.

Меҳтар ва қушбегининг қошида ўзлари идора этувчи, камида 3–4 киши доимий фаолият кўрсатадиган ва тегишли ҳужжатлар сақланадиган маҳкама (меҳтархона, канцелярия) фаолият кўрсатган. Қушбегининг ваколатлари доирасига хонликнинг шимолий

қисмидаги аҳолини бошқариш, мамлакат жанубий қисмидан ўлпон йиғиш ва ирригация ишларига умумий раҳбарлик қилиш, саройда сақланаётган отлар сақланишини назорат қилиш ва бошқалар кирган.

Меҳтарнинг ваколатлари эса қуйидагилардан иборат бўлган: давлат хазинасига бошчилик қилиш, мамлакатни жанубий қисмидаги аҳолини бошқариш, солиқ йиғиш ишларига бошчилик қилиш ва ҳ.к.

Девонбегининг асосий ваколатлари сарой котибияти, давлат девони ва архиви, божхона (гумриқхона)ни бошқариш, хазина ва омборлар ҳисобини юритиш, хон фармонларининг жойларга юборилишини таъминлаш, солиқлар ва йиғимларни ундириш ишларини бошқариш ва умумий назоратини олиб бориш кабилардан иборат бўлган[7]. Ушбу мансабдор шахсларнинг ваколатлари тўғрисида 1854–1864 йилларда Хивада асирликда бўлган эронлик ҳарбий – генерал Исмоил Мирпанжий шундай ёзади: «Мамлакат ишларини бошқаришга хонларга уч вазир ёрдам беради: биринчиси Меҳтар, иккинчиси Қушбеги, учинчиси Девонбеги.

Меҳтар: солғут йиғади. Солғит катта молиявий улушнинг ярми бўлиб, у ҳарбий ишларга, чет мамлакатларга элчи тайёрлаш ва юбориш, элчиларни кутиб олиш каби давлат ишларига харж қилинади. Агар молиявий ишларда камомад чиқса, меҳтар жавобгар ҳисобланади. У кунда бир марта хон олдига киради. Зарур иш чиққанда истаганча ва навбатсиз кираверади.

Қушбеги: молия маблағининг иккинчи ярмига қарайди. У ички ва ташқи ишлар, расмий маросимлар, совға-салом ва инъомларни ўз зиммасига олган. Хизмат юзасидан хон олдига кира олади.

Девонбеги: элатлар, савдогарлардан божхона ва закот пулларини ундиради. У бевақт хон олдига кира олмайди. Хонга арзи бўлса, меҳтар ё қушбеги орқали амалга оширади. Асирлик пайтим Мухаммад Аминхон даврида бу учта вазир қуйидагилар эди: Ёқуб меҳтар, Мухаммад Карим Қушбеги ва Ҳасанбой девонбеги»[8]. Ушбу мансабдор шахсларга хос умумий хусусият шундаки, улар ўз даврида вазият тақозо этса, доимий ваколатидан ташқари хон фармонига биноан давлат номидан иш кўриш, хон пойтахтда йўқлигида мамлакатни бошқариш, ўзга давлат элчиларини кутиб олиш ҳамда музокаралар ўтказиш ва бошқа фаолиятларни ҳам олиб борганлар. Айрим ҳолларда муайян бошқарув ваколати бир мансабдор шахс зиммасидан олиниб, иккинчи бир мансабдор шахс зиммасига юклатилган. Бу фикрнинг исботини кўпгина маҳаллий ва хорижий манбаларда ҳам кўриш мумкин. Мавжуд тартибга кўра, юқори мансабдор шахслар хонликда бўлаётган ҳар бир воқеадан, хусусан, меҳтар ва қушбеги ўз бошқарувидаги ҳудудлардаги аҳоли ва у ердаги вазиятдан хабардор бўлиб туриши шарт бўлиб, ўз фаолияти ва кундалик қилинган ишлар юзасидан девонбеги орқали хонга ҳисобот бериб турганлар. Хон билан яқка тарзда маслаҳатлашганлар. Баъзи ҳолларда саройда кундалик қилинган ишлар муҳокамаси юқори мансабдор шахслардан иборат тор таркибли мажлисда кўриб чиқилган. Бунда уларнинг ҳисоботлари, таклиф ва эътирозлари эшитилган[9].

Бош вазир, меҳтар, қушбеги ва девонбегилар хонликнинг ҳуқуқ-тартибот, давлат хавфсизлиги хизматларини ҳам идора этганлар. Бу хизматлар эса, ўзининг кенг тармоқларига эга бўлган. Уларга чегара, божхона ишларидан ташқари разведка ва контрразведка каби махфий хизматларни ҳам киритиш мумкин. Академик М. Йўлдошев ҳамда Ҳ. Вамбери, Ризоқулихон Ҳидоят каби сайёҳ ва элчилар келтирган маълумотлардан кўрганимиздек, бу махфий хизматлар Хива хонлигида яхши йўлга қўйилган. Хива хонлари архивида сақланаётган бир неча хатлар бу масалага ойдинлик киритишга хизмат қилади.

Шартли равишда биринчи деб олган хатимизда учта муҳр бор. Уларда юборувчилар рамзий исмлари мавжуд. Хат 1282 ҳижрий йили Матниёз девонбегига юборилган бўлиб, ўта махфийликка риоя қилингани учун исмлар ва хат жўнатилган жой номи аниқ ёзилмаган: «Утуфатпаноҳ жаноблари Ҳамроҳ қаро деган одамни бул тарафга юборган эканлар. Бу фақир ёнига одам қўшиб, сиҳат-саломат ул ҳумоюни олийнинг давлатларидан Ҳирот элтиб келдилар. Боқий ҳар нечук хизмат ва ҳаргуна (ҳар хил) аҳволот бўлса, рақамга дарж қилиб,

бу жонибга равона қилсалар, зиёда хурсандлик ҳосил бўлғусидур. Бинобарин, Хон Муҳаммад Баҳодирни юбордик. Саломун алайкум»[А-2].

Шартли равишдаги иккинчи ва учинчи хатларимиз бир хил мазмундаги ахборот матни ва муҳрга эга бўлиб, бир муаллиф томонидан иккита амалдорга алоҳида-алоҳида жўнатилган. Улардан бири (иккинчи хат) «Меҳтар оғо»га ва бошқаси (учинчи хат) девонбегига аталган. Айнан бир ахборотнинг бир пайтда икки амалдорга юборилиши, авваламбор, бу йўналишдаги махфий хизматга хонликда бевосита иккита мансабдор мутасаддилигини билдиради. Бу иккинчи ва учинчи хатлар ҳам ҳижрий 1282 йил (1865 йил июнь – 1866 йил май-июнь оралиғи)да битилган. Юборилган жойи ҳам биринчи хат жўнатилган ҳудуд – тахминан Марв, Маймана, Боломурғоб атрофларига тўғри келади[А-3].

Ушбу хатларнинг мазмуни куйидагича: «Ахбороти тоифайи афғония. Шер Алихоннинг ўғли сардор Якубхон отасидан кинадор бўлиб, Ҳирот тарафга озим бўлиб, атроф-жавониби Ҳиротдин лашкар жамъ қилиб, Ҳиротни фатҳ қилди. Фатҳ Муҳаммадхон деган аввалги ҳокимни бир ўғли билан ўлдирди. Неча муддатдин сўнгра сардор Якубхонни отаси чақириб олди. Икки ой отаси хизматида бўлиб, алҳол Ҳирот вилоятига келиб кирди; Ахбороти тоифайи ҳазора, жамшидий ва фарскухий (ферузкухий) ва Маймания бу навъ турурким, зиёда қимматчилик ва фарокандалик турур; Меҳдиқулихон Жамшидийнинг ўғли Ҳайдарқулихон тахминан минг уйлук хонавар бирла Марчоҳ вилоятига кириб келди. Яна ҳар кун бўлак-бўлак кўчиб келаётиб турур; Қожор тарафининг аҳволотлари кўп танг бўлиб, одамлари ҳар тарафга жон ғами учун тарқалиб кетиб турур. Подшоҳи Қожор така устига лашкар юбориб эркан. Озроқ ўлжа олиб, сўнгра кўп шикаст топиб, қайтиб турур; Така жамоасининг аҳволлари ўзингизга зиёдароқ маълум турур. Санайи 1282 ҳижрий».

Бу давргача бўлган 250 йил давомида Хоразм хонлигининг Хуросондаги шимолий ҳудудларни ўз тасарруфи остида сақлашга интилиб келгани ва Қобул, Ҳирот ҳукумати билан иттифокдош бўлгани сабабли, мазкур ахборотнинг зарурлиги ҳақида тўхталишнинг ҳолати йўқ. Қўлимиздаги хатдан кейинги воқеалар манзарасини тиклаш мумкин. Ахборотдан маълум бўлишича, 1866 йилга келиб, жамшидийлар аҳволи баттар оғирлашган. Қожор шоҳининг така туркманлар устига лашкар жўнатгани ва улар енгилгани, шоҳга қарашли Хуросон ерларида иқтисодий-ижтимоий аҳвол танглиги ҳам бир пайтлар Астробод каби ерларни ўз таркибига киритган Хива хонлиги учун қимматли ахборот эди. Чунончи, ушбу мавзуга оид хат билан 1854 йили Оқосий деган ахборотчи томонидан Муҳаммад Авазбек исмли амалдорга Эрон ва Афғонистон урушига Англия воситачилигида чек қўйилаётгани, Ҳиротни афғонларга беришга келишилгани ва Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли ҳоким этиб тайинлангани[А-4] хабар қилинган. Машҳаддаги эронлик амалдорлар режаси ҳақида Меҳтар оғога жўнатилган яна бир хат (санаси йўқ) ва бошқа бир неча ахборотлар ҳам бизга Хоразм хонлиги давлат аппарати хавфсизлик хизмати фаолияти яхши ташкил этилгани ва самарали фаолият олиб борганлигидан гувоҳлик беради. Афтидан, кўшин хабарчилари ҳам мавжуд бўлиб, ҳарбий амалиётлар чоғида эронлик ва бухороликларнинг ўз шоҳ ва амирига юборган хатларини қўлга туширганлар.

Улардан Хуросон генерал-губернатори Ҳусом ус-салтананинг ўз шоҳига[А-5], Эрон ҳарбий кўмондони Ҳасанқулихоннинг Ҳусом ус-салтанага (1852 й.)[А-6], Ҳирот ҳокими Комрон шоҳни ўлдириб, ўрнига ўтирган вазири Ёрмуҳаммадхон Заҳир уд-давланинг Эрон кўшини кўмондонига[А-7] ёзган хати, Бухоро амири Тошмуҳаммад Мирохурнинг Увроқи калон ва Қози калонга 1850 йилда исён кўтарган хивалик иноқларнинг Бухорога келгани[А8] ва бошқа мавзулардаги хатлар Хива хонлари архивида сақланмоқда.

Ўз ўрнида архив материаллари давлат хавфсизлиги хизматлари фаолияти билан бевосита боғлиқ бирламчи тарихий манбалар ҳисобланади.

Биз Хоразм хонлиги тарихини айнан шу мавзусини ўрганиш жараёнида ХХ аср ўрталарида Хива музейида ишлаган маҳаллий тарихчилар, ўлкашунослар томонидан ёзиб қолдирилган ва айтилган фикрларни таҳрир қилган ҳолда баён қиламиз.


Меҳтар: Хонлик худудидаги барча солиқ тўловчилардан солиқ ййғади. Ййғилган солиқ тушумлари давлатнинг катта молиявий улушининг ярми бўлиб, у ҳарбий ишларга, чет

мамлакатларга элчи тайёрлаш ва юбориш, элчиларни кутиб олиш каби давлат ишларига харж қилинади. Агар молиявий ишларда камомад чикса, меҳтар жавобгар ҳисобланади. У кунда бир марта хон олдига киради. Зарур иш чиққанда истаганча ва навбатсиз кираверади. Меҳтарга Хива шаҳрининг ва хонликнинг жанубий қисмини бошқариш белгиланган. Шаҳарнинг ғарбий Шоҳимардон ва Жалол Эшон дарвозаларидан тортиб Ичон-Қалъанинг Ота дарвозаси орқали шарқий Полвон дарвозаси, Дешон қалъанинг Хазарасп дарвозасидан жанубдаги барча худуд меҳтарга тегишли бўлган. Хонликнинг шимолий қисми Қушбегига тегишли бўлган. Буни биз Муҳаммад Раҳимхон II ни туғилиш воқеаларидан билишимиз мумкин, “Бобожон тўра 1844 йил Наврўз арафасида Хасанмурод Қушбегини қавминда Кўҳна Арк деган эски саройда туғилган” деб Муҳаммад Юсупбек Баёний ўзининг “Шажараии Хоразмшоҳий” асарида ёзиб қолдирган.

Кўҳна Арк саройининг жанубий қисмида меҳтарнинг маҳкамаси жойлашган бўлиб, унга ташқи томонга қараб очилган, усти ёпиқ кичикроқ шарқий дарвоза орқали кирилган. Меҳтар маҳкамаси шимолий – ғарбга қараган баланд айвон ва тўртта маҳкама хоналари ва девондан иборат бўлган, афсуски ҳозирги кунда Кўҳна Арkning бу қисми сақланиб қолмаган фақатгина 1927 йилдаги суратда биз бу катта айвонни куришимиз мумкин.

Сурат илова қилинади

Хива шаҳрида XX аср бошларида 64 та мадраса бўлган, XIX аср шрталарида Ёқуб меҳтар томонидан махсус маҳкама ходимларини тайёрлайдиган мадраса Дешон қалъанинг ғарбий қисмида Нуруллабой саройининг кириш дарвозаси олдидаги майдонни жанубий қисмида қурилган. Мадраса тўғри тўртбурчак шаклида, тўрт кунгурали, тўққиз миёнсаройли гумбаз қилиб қурилган, ёзги ва қишқи масжид, дарсхона ва 40 хужрадан иборат бўлган афсус 1937 йилда кўпгина обидалар қатори у ҳам бузуб ташланган. Ўрнида ҳозирги кунда бозорча жойлашган, сурати сақланмаган. Хивалик қарияларни айтишларича Ичон қалъанинг Ота дарвозаси олдида Шоқаландар бобо мажмуаси бўлиб XVI-XIX асрларда бу жойдаги қабристонда жуда кўплаб қаландар йиғилишган, улар асосан давлатни ички ва ташқи худудларида айланиб юриб маълумотларни йиғиб қаландарлар бошлиғига етказишган ва шу жойда синтез қилиниб манба Кўҳна Аркдаги махфий маҳкамага етказилган экан. Қаландарларни ислом оламида дахлсизлигини инобатга олинса ўз даври учун бу табиий ҳол бўлган. Дешон қалъанинг шимолий қисмида Серчали ёф бўйида алоҳида Қаландархона деб номланувчи маҳалла ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги кунларимизда ҳам эл ўртасида Ичон Қалъанинг Арканчи меҳмонхонаси олдидаги майдон **Меҳтар майдони** деб номланади. Унинг уйи 1940 йилда шаҳар прокурорига яшаш учун берилган, кейинчалик болалар боғчасига айлантирилган, мустақиллик йилларида хусусийлаштириб ўрнида Евро Азия меҳмонхонаси қурилган.



Меҳтарга бевосита **Шиғовул, Бухрийлар, Маҳрамлар маҳкамаси бўлими, Божхона маҳкамаси, Хазинадор бўйсунган.**

Шиғовул: Меҳтарнинг ёрдамчиси, маълумки меҳтар молия, солиқ ва ҳашар ишларига мутасаддилик қилишдан ташқари, бош вазир сифатида давлатнинг ташқи муносабатларига ҳам раҳбарлик қилган. Бу соҳада шиғовул унинг бевосита ёрдамчиси бўлган. У ажнабий элчиларни қабул қилиш ва уларнинг таъминоти билан шуғулланган. Одат бўйича элчиларни қабул қилиш учун хон хазинасидан ажратиладиган пулдан 10 фоизини шиғовул ўз фойдасига олиб қолган. Архив маълумотларига қараганда, элчиларни келиш-келмаслигидан қатъийназар шиғовул ҳар йили 15 тилло маош олиб турган. Шиғовулнинг фаолияти “Бухрилар”нинг фаолияти билан боғлиқ бўлган. Бухрилар айғоқчи вазифасининг хонликдаги

номланиши эди. Хоразм хонлиги архив хужжатларига оид 60-дафтардан кўринишича, давлат хазинасидан Бухрий Маҳмудбек, Бухрий Болахон 20-тилло олганлар[10]

- 1839 йилда Хивага келган 6 нафар инглизлар жосусликда гумон қилиниб, Оллоқулихон буйруғи билан қатл қилинди. Орадан сал вақт ўтиб, Оллоқулихон Ҳиндистондан келган Буюк Британия элчиси Жеймс Абботни қабул қилди[А-9]. Элчига хонни Англия томонига оғдириш ва Россияга қарши иттифоқ тузиш вазифаси юклатилган эди. Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг ёзиб қолдиришича элчи хонга қуйидаги мазмундаги мактубни топширди: “Руслар яна эллик йилдан сўнг сизларнинг вилоятларингизни олур. Агар хоҳласангизким, вилоятингиз, давом қўлингизда туриб, ҳеч киши анга мутаариз бўлмағай, вилоятингизни хатлашиб бизга беринг. Хоразм инглиз юрти бўлди деган сўз иштихор тобсун, андин сўнг бу хавфдин фориг бўлурсиз. Бизнинг бу сўзимиз хошоқим нафсоният юзидан бўлмағай, балки маҳз дўстликдурким, ғаразимиз Россияга Ҳинд йўлини масдуд этмакдур. Биздан сизга фойда етар, асло зарар етмасдур, хатлашғонда хоҳишингизча шартнома ёза беринг, биз қабул этармиз”. Оллоқулихон мактуб мазмунидан оғир изтиробга тушди. Аммо кўпни кўрган хон ўз яқин амалдорлари билан масҳатлашгач, элчига шундай жавоб қайтарди: “Руслар ҳали бизга қарши юриш бошламадилар. Сиз кўрсатган 50 йилда ким бору, ким охиратга кетади — буни ҳеч ким билмайди. Эллик йилдан кейин нима бўлишини аниқ билмасдан туриб, биз ўз мамлакатимизни ҳеч кимга бермаймиз. Бизлар ўтгач, авлодларимиз, нима қилсалар ўзлари биладилар”[11] деб рад жавобини берган.

Маҳрамлар маҳкамаси бўлими: Ишончли хизматкор, сидқидилдан хизмат қилувчи сарой ичкарасидаги ходиммаъноларини англатади.

Ичкари маҳрам- Улуғ Муҳаммад маҳрам мисолида, Ташқи маҳрам, Муҳаммад маҳрамлар дастаси (200 киши), Кумуш камарга ханжар таққан ғуломлар дастаси (20-киши) ва Хассабордорлар дастаси(10 киши)дан ташкил топган бўлиб бевосита Мехтарга бўйсунган ва ҳисобот топширган.

- Муҳаммад маҳрамлар дастаси (200 киши) Ислом динида бўлмаган бошқа миллат вакиллари болаларидан ташкил топган бўлинма (Миср мамлуклари ва Турк яничарлари каби) уруш пайтида ҳукмдор мудофасида, тинчлик пайтда ҳар бир амалдорга бештадан бўлиб берилган бўлиб амалдор хавсизлигига жавобгар маҳрамлар дастасига ажралган.

- Кумуш камарга ханжар таққан ғуломлар дастаси (20-киши): улар аҳолини энг бақувват йигитларидан танлаб олиниб ханжарбоз жангчилар бўлиммасини ташкил қилган, асосан хон шикорга, юришга чиққанида унинг мухофазасига маъсул даста, улар кумуш камарга битта дудама ханжар ва қўшбоғ орқали еттита ханжар билан қуролланишган.

- Хассабордорлар дастаси(10 киши) асосан сарой ичида хонни химоясида бўлишган, хатто хон хобхонасига ҳам кириш ҳуқуқи бўлган алоҳида маҳсус тайёрланган жангчилар гуруҳи.

Божхона маҳкамаси: Давлатга кирадиган чет эл маҳсулотлари ва давлатдан чиқадиган ҳар қандай маҳсулотларга 5/ дан 15 фоизгача давлат божи ундирилган, карвонлар хавсизлиги таъминланган, божхона қалъалари ва қўналғалари ташкил қилинган. Дипломатик муносабатлар билан бир қаторда савдо–сотик алоқалари ҳам кенгайиб борди. Хусусан, Россиядан Хивага келтирилаётган моллар орасида темир, пўлат, мис, алюминий каби металллар ва улардан ясалган турли ускуналар асосий ўринни эгаллаган. Ўз навбатида хонликдан оз бўлсада, пахта, жун, гилам, қуритилган мева ва бошқа маҳсулотлар жўнатилган. XIX аср ўрталарига келиб Ўрта Осиёдан Россия бозорларига ҳар йили 4 млн. сўмлик маҳсулотлар чиқарилган ва 3 млн. сўмлик маҳсулотлар хонлик бозорларига келтирилган. Нижний Новгород, Казань, Астрахан ва Оренбург шаҳарлари Хива, Бухоро, Қўқон савдогарлари учун жуда серқатнов бўлиб қолди[12] (Хўжаш маҳрам) мисолида

- Хўжаш маҳрам мадрасаси: 1839-40 йилларда Оллоқулихон даврида 30 талабага мўлжаллаб битказилган бу мадраса Божхона бошлиғи Хўжашоҳ маҳрам томонидан қурилган. Мадрасада асосан диний ва дунёвий билимлар берилсада, ушбу мадраса божхона ходимларини тайёрлаш учун мўлжалланган бўлиб, бу Хўжаш маҳрамнинг истаги бўлган.

Божхона бошлиғи мансабига кўтарилиб, бойиб кетган оддий эроний кул - Хўжаш махрам ўзининг шахсий мулкидан мадраса таъминоти учун 1784 таноб (715 гектар) ерни вақф қилиб берган. Хўжаш махрамнинг мардлиги, ишбилармонлигини кўрган Муҳаммад Раҳимхон уни катта лавозимларга кўтарган.

- 1841 йилда Хивага келган капитан Никифоров уни “олтмиш ёшларда, Тошховуз вилоятининг ҳоқими лавозимида ҳам ишлаган, энди давлат ишлари билан шуғулланмайди, лекин саройда обрўси катта”, - деб ёзади.

- Хозирда Урганч туманида “Улли ҳовли” деб аталадиган қалъа Хўжаш махрам томонидан Божхона ишини ривожлантириш мақсадида Ғозовот канали соқасига 1840 йилда қурилган, афсуски бу қалъани хозирда Туркман қалъа деб нотўғи ном беришган.

Хазинадор: Иккита дафтардори билан биргаликда-жаъми уч киши.

4. Хулоса. Хоразм хонлигида шу тартибда Махфий маҳкама фаолияти шаклланган ва ўз фаолиятини юритган, бу давр тарихи ва тузими фаолиятини ўрганиш жараёнида сизу бизга номалум кўпгина воқеа ходисалар ўрганилди. Ушбу мақола ёш изланувчан олимлар ва ўлкашунослар учун мўлжалланган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. История Узбекской ССР.-Т.: Изд: АН УзССР.1955.–622с. (History of the Uzbek SSR.-T.: Publisher: AN UzSSR. 1955.–622 p.)

2. Мирпанжий И. Асирликдаги хотиралар. – Урганч: Хоразм, 1997. – 34-б. (Mirpanji I. Memories of captivity. – Urgench: Khorezm, 1997. – p. 34)

3. Бобожонов Б. Шайбонийлар қабртошларидаги битиклар.-Висбаден.:1997.-2б. (Bobozhov B. Inscriptions on the gravestones of the Shayboniids. – Wiesbaden.: 1997. – 2p).

4. Ш.Мунис “Фирдавс-ул-иқбол”, Шажарайи Хоразмшоҳий.-В. 33 а., Таворихи ул хавонин.–41б, Бартольд В.В. Хорезм.-М.: “Наука”.1965.- Соч.Т.3. – 549 с. Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.:ЎзФА.1959.–184 б. (Sh. Munis “Firdavs-ul-Iqbal”, Shajarayi Khorezmshahi. – V. 33 a., Tavorikhi ul Khavanin. – 41p., Bartold V.V. Khorezm. – M.: “Nauka”. 1965. – Soch.T.3. – 549 p. Gulomov Ya. History of irrigation of Khorezm. T.: UzFA. 1959. – p. 184)

5. Ахмедов Б. “Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв” – Т.: ФАН, 1985. – С. 124 (Akhmedov B. “Historical and Geographical Literature of Central Asia of the 16th–18th Centuries” – T.: FAN, 1985. – P. 124)

6. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик. – Т., 2002. – 126-б; Худойберганов К. Хива хонлари шажараси. – Хива, 1996. – 62–67-б. (Munirov Q. Historiography in Khorezm. - T., 2002. - p. 126; Khudoyberganov K. Family tree of the Khans of Khiva. - Khiva, 1996. - pp. 62-67.)

7. Погорельский И. В. Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства конце XIX и начала XX в.Л.,1968.–С. 78. (Pogorelsky I. V. Essays on the Economic and Political History of the Khiva Khanate in the Late 19th and Early 20th Centuries. L., 1968. – P. 78.)

8. Мирпанжий И. Асирликдаги хотиралар. – Урганч: Хоразм, 1997. – 34-б.66 (Mirpanji I. Memories of Captivity. - Urganch: Khorezm, 1997. - 34-p.66)

9. Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. – Т.: ФАН, 1985. – С. 160–166; Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. – Т., 1978. 5-жилд. – 46–165-б; Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий. – Т.,1991. – 175–266-б; Азизов Б. Т. Хоразм навозандалари. – Т., 1994. – 48– 72-б; Письмо Хал-Мухаммед-аталыка к хивинскому хану и кушбеги о том, что он благополучно проводил кокандского посла Ахала и Кучана // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 244. –1–2-в. (Akhmedov B. Historical and geographical literature of Middle Asia XVI-XVIII centuries. - T.: FAN, 1985. - S. 160–166; Notice. Works. 6 volumes. - T., 1978. Volume 5. - p. 46-165; Narrative. Shajarai Khorezmshahi. - T., 1991. - p. 175-266; Azizov B. T. Musicians of Khorezm. - T., 1994. - p. 48-72; A letter to Khal-Muhammed-atalyka k khivinskому khanu i kushbegi o tom, chto on blagopoluchno provodil kokandskogo posla Akhala i Kuchana // UzMDA f. 125, p. 2, vol. 244. -1-2 v.)

10. Иванов П.П 203-204 бетлар (Ivanov P.P. pp. 203-204)
11. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий // Қўлёзма. ЎзР. ФАШИ. — № 9596. — 302б вар. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. — Тошкент: Шарқ, 1998. — Б.74 (Bayoniy. Shajarayi Khorezmshahiy // Kolyozma. UzR. FASHI. — No. 9596. — 302b var. Ziyoev H. The struggle against Russian aggression and domination in Turkestan. — Tashkent: Sharq, 1998. — P.74)
12. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотилетие. Петроград, 1915. —С. 98 ва кейингилари; Нёматов Т. Хива билан Россия ўртасида муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар (XIX асрнинг 20-50-йиллари). — Тошкент: 1957. — Б. 138; Гаффоров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йиллар. Тарих фан. ном. дисс...— Тошкент, 1969. — 226 б (Zhukovsky S.V. Relations of Russia with Bukhara and Khiva during the last three hundred years. Petrograd, 1915. —P. 98 and later; Nematov T. Some sources on the history of relations between Khiva and Russia (20-50s of the XIX century). — Tashkent: 1957. — P. 138; Ghafforov F. Economic and political relations between Russia and the Kokand Khanate. The first half of the XIX century and the 60-70s. Thesis of the Faculty of History... — Tashkent, 1969. — 226 p.)

Архив маълумотлари

1. Инструкция казы и раису м. Остана Хив. ханст. послания вазирем Ислон Ходжей // ЎзМДА ф. 125, р. 1, ж. 579. — 1 в 64
2. Донесения мехтар-ага о положении в Герате и о взаимоотношениях иранцев и афганцев // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 266. — 1–2-в.
3. Донесения мехтар-ага о положении в Герате и о взаимоотношениях иранцев и афганцев // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 266. — 3–4-в
4. Письмо хивинскому хану о прекращении войны между Ираном и Афганистаном с Англией, о передаче гор. Герата Афганистану, о назначении правителем Герата сына афганского короля эмира Дост-Мухаммед-хана // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 275. — 1-в.
5. Письмо имам Джафара к мехтар-аге о намерении иранцев города Машхеда // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 247. — 1–3-в.69
6. Приказы иранского главнокомандующего Хусам ас-салтанате в провинции Хорасан // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 253. — 1-в .
7. Письмо Захира ад-Дауля иранскому военно начальнику о положении города Мерва // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 254. — 1–2-в.
8. Письмо Ташмухаммед мирахура (бухарской чиновник) к Урак Каллону и КазиКалану по вопросу приезда из Хивы восставших инаков и о захвате Ходже-Шукура // ЎзМДА ф. 125, р. 2, ж. 235. — 1-в
9. Огаҳий. Риёз уд-давля // Қўлёзма. ЎзР. ФАШИ. № 5364/II. — 352а вар

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000